

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгашининг 2022 йил IV чорагидаги фаолияти
тўғрисида қисқача маълумот**

1. 2022 йил октябрь ойида Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес жараёнларида электрон хужжат айланиши тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ID-69994) лойиҳаси муҳокамасига бағишланган битта йиғилиш бўлиб ўтди.

Жамоатчилик кенгashi аъзолари қарор лойиҳасига ўзларининг ўзгартириш ва қўшимчаларини таклиф қилишди, уни шу ердан юклаб олишингиз мумкин.

2. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2022йил ноябрь ойида Солиқ кодексига 2023йилдан кучга киритилиши лозим бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича битта йиғилиши ўтказилди.

Жамоатчилик кенгашининг аъзолари мазкур ўзгартиришлар лойиҳасига ўз фикрлари ва қўшимчаларини таклиф қилдилар. Хусусан, улар СКнинг 14 -моддасидаги таклиф қилинган ўзгартиришларга қарши чиқдилар. Уларга мувофиқ, солиқ органлари хукуқни сустеъмол қилиши, суд қарорисиз сохта (шубҳали) битимларни тузиш ҳолатларини белгилаш хукуқига эга бўлар эди.

3. 2022йил декабрь ойида Жамоатчилик кенгашининг иккита йиғилиши ўтказилди, унда Давлат солиқ қўмитаси Марказий аппарати ходимларининг қуйидаги таклифлари муҳокама қилинди:

- мажбурий инвентаризация ўтказиш. Кенгаш аъзолари мажбурий инвентаризация ўтказмасдан туриб, қўйилган муаммоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини таклиф қилдилар. Кенгаш фикрини бу ердан юклаб олиш мумкин;

- “Солиқ тўловчиларнинг ишончлилиги” индексини жорий этиш тўғрисида. Кенгаш аъзолари мавжуд “хавф-хатарларни таҳлил қилиш” воситалари ва солиқ қонунчилигини бузиш хавфи минимал бўлган солиқ тўловчиларни аниқлаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда ушбу индекснинг мақсадга мувофиқлигига шубҳа билдирилар.

Давлат солиқ құмитаси марказий аппарати ходимлари иштирокида “2023-2027-йилларда солиқ тұловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш” Концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқылди ва муҳокама қилинди.

Концепциянинг мақсади - судгача ҳал қилиш тизимини ривожлантириш орқали солиқ тұловчиларнинг солиқ органларига бўлган ишончини ошириш ҳамда солиқ тұловчиларнинг хуқуқ ва қонуний манбаатларига риоя этилишининг юқори стандартларини таъминлашдир. Концепция лойиҳасини шу ердан юклаб олишингиз мумкин.

Савдо-саноат палатаси хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан ўтказилган күшма йиғилишда Давлат солиқ құмитаси хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳам иштирок этди. Йиғилишда Давлат солиқ құмитаси ва Молия вазирлиги томонидан Солиқ кодексига таклиф этилган ўзgartиришлар муҳокама қилинди. Мутахассисларнинг тадбиркорлар манбаатларини ҳимоя қилишга қаратилған таклифларининг салмоқли қисми қабул қилинди.